

Қуръон саодат йўлини кўрсатиб берувчи Китоб | Қуръони Карим дарслари (180-дарс)



19:00 / 08.12.2025 1035

Аллоҳ таоло Духон сурасида шундай марҳамат қилади:

«Очиқ-ойдин Китоб ила қасам. Албатта, Биз уни муборак кечада нозил қилдик. Албатта, Биз огоҳлантиргувчи бўлдик», деган (2-3-оятлар).

Аллоҳ таоло Қуръони Карим билан қасам ичмоқда. Бу эса ўз навбатида Қуръоннинг Аллоҳ таолонинг хузурида қанчалик улуғ мақомга эга эканини кўрсатади. Кейинги оятларда Қуръон ҳақида маълумот берилади:

«Албатта, Биз уни муборак кечада нозил қилдик».

Ушбу оятда зикр этилаётган, Қуръон нозил қилинган кеча муборак Рамазон ойининг кечаларидан бири бўлмиш «Лайлатул қадр»дир. Бу кеча дунё тарихидаги энг муборак кечадир. Чунки бу кечада Аллоҳ таолонинг охирги, баркамол ва бутун инсониятга қиёмат кунигача саодат йўлини кўрсатиб берувчи Китоби туша бошлаган.

«Албатта, Биз огоҳлантирувчи бўлдик».

«Ушбу муборак кечада Қуръонни нозил қилиш билан бандаларни куфр, исён ва туғённинг оқибати ёмон бўлишидан огоҳлантирувчи бўлдик».

Аллоҳ таоло яна:

«Ва сен томон бир неча нафар жинларни Қуръон эшитишга бурганимизни эсла. У(Қуръон эшитиш)га ҳозир бўлганларида: «Жим, қулоқ осинглар!» - дедилар. Қачонки, (қироат) тугагач, ўз қавмларига огоҳлантирувчи бўлиб қайтдилар», деган («Аҳқоф» сураси, 29-оят).

Оятдан маълум бўладики, жинларнинг Қуръонга қулоқ осинглари тўсатдан, кутилмаганда содир бўлмаган, балки уларни Аллоҳ таолонинг ўзи буриб қўйган. У Зот бу фазлни Пайғамбар алайҳиссаломга ҳам эслатмоқда.

«Ва сен томон бир неча нафар жинларни Қуръон эшитишга бурганимизни эсла».

Жинлар Қуръонни эшитишга ҳозир бўлганларида инсонларга ўхшаб, «Бу ўтганларнинг афсоналари, сеҳр, шеър ёки уйдирма» деб ўтирмадилар, балки:

«У(Қуръон эшитиш)га ҳозир бўлганларида: «Жим, қулоқ осинглар!» - дедилар».

Ушбу омил уларнинг бахтига сабаб бўлди. Аввал яхшилаб қулоқ осдилар, ҳақни ботилдан ажратишга уриндилар. Ҳақиқатни тушуниб етганларидан сўнг эса зудлик билан иймон келтирдилар. Иймон қалбларидан жой олгач, бу улкан неъматни ўз қавмлари билан баҳам кўришга шошилиб:

«Қачонки, (қироат) тугагач, ўз қавмларига огоҳлантирувчи бўлиб қайтдилар».

Ушбу ояти карималарда Аллоҳ таоло Ўз Китоби – Қуръони Каримни ўзи васф қилган. Албатта, бу васфлар Қуръони Каримнинг васфлари ичида энг

Уламоларимиз Қуръони Каримни ўқитган ва ўқиган зотларни Аллоҳ таолонинг ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг халифалари деб атаганлар.

Шунинг учун мўмин банда Аллоҳ таолонинг ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг халифаси бўламан, деса, Қуръони Каримни ўргансин ёки ўргатсин.

Мусулмон халқларнинг тарихига назар соладиган бўлсак, ушбу ҳадиси шарифга оғишмай амал қилиб келинганига гувоҳ бўламиз. Мусулмонлар ҳар қандай қийин шароитда ҳам, ҳаётларини хавф-хатарга қўйиб бўлса ҳам Қуръони Каримни ўрганганлар ва ўргатганлар.

Иншааллоҳ, қиёматгача шундай бўлгай.

«Ҳадис ва ҳаёт» китобининг 30-жузи

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2024 йил 23 январдаги 03-07/362-рақамли хулосаси асосида тайёрланди.